2011-yil 29-oktabr № 130 (3011) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

***Ҳар қандай миллат, ҳар қандай халқ умумий ғоя билан яшаган тақдирдагина қўйилган мақсадларга эриша олади.***

**Ислом КАРИМОВ**

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида*

## Давр руҳига монанд

**Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан белгилаб олинган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, бунда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида и ҳамкорликни кучайтириш борасида амалга оширилаётган фаолият йўналишлари атрофлича таҳлил этилди.

Раёсат кун тартибидан ўрин олган «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология тармоғининг юқори технологик замонавий ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш ҳисобига барпо этилган корхоналарда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси» мавзуидаги масала атрофлича муҳокама этилиб, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида меҳнатни рағбатлантириш, меҳнаткашларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш, ходимлар бандлигини таъминлашга оид масалаларнинг акс эттирилиши ва уларнинг амалдаги ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Тизимда республика миқёсида амал қилаётган 3 та тариф келишуви, 2 та тармоқ келишуви, бевосита тизимдаги корхоналарда амал қилаётган 353 та жамоа шартномаси орқали ходимларга кўрсатилаётган ижтимоий кўмак чоралари самарадорлигини ошириш, жамоа шартномалари лойиҳаси экспертизаси сифатига бўлган эътиборни янада кучайтириш, қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақи стандартларига иш берувчилар томонидан оғишмай риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари Раёсат диққат марказида бўлди.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида «Устоз-шогирд» йўналишида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таъминлашга касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссасини қўшиш мақсадида жорий этилган тизимли чора-тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тизимдаги корхоналарга ишга жойлашган коллеж битирувчиларининг иш жойларида барқарор фаолият кўрсатиши бўйича доимий мониторинг олиб бориш, амалиёт ўташ учун бириктирилган коллеж ўқувчилари ва битирувчилари ҳамда янги ишга жойлашган коллеж битирувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни меҳнат муҳофазаси бўйича зарур йўриқномалар билан таништиришда тармоқ касаба уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил этилди.

Навбатдаги масала Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари иштирокида тузилган жамоа келишувларининг мазмуни ва бажарилишини ўрганиш натижаларига бағишланди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув тармоқ ва жамоа келишувлари мазмунининг замон талаблари даражасида бойиши, улар сифати ва самарадорлигининг юқори даражага кўтарилишида муҳим омиллардан бири бўлмоқда. Натижада бугунги кунда тармоқ касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги тармоқ келишувлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини, ходимлар учун меҳнат шароитлари, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий кафолатларнинг қуйи чегарасини белгилаб берувчи энг муҳим норматив ҳужжатга айланмоқда. Тегишли ҳудудий касаба уюшмалари, иш берувчилар ҳамда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги ҳудудий келишувлар аҳолининг ижтимоий ҳимояталаб қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, меҳнат бозорини тартибга солиш, янги иш ўринларини барпо этиш, уй-жой коммунал хўжалигини самарали ишлатиш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият муассасалари тизимини, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, болаларни ёзги соғломлаштиришни ташкил этиш каби масалаларни лозим даражада ҳал этиш имконини бермоқда.

Аъзо ташкилотлардан олинган маълумотлар таҳлилига кўра, жорий йилда касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, бошланғич касаба уюшмалари фаолиятини кучайтириш йўналишларида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида қабул қилинаётган мажбуриятларнинг катта қисми бажарилишига эришилмоқда.

Шу билан бирга, бу борада ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина эканлиги, мазкур йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, бунда тармоқ ҳамда ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари ҳамкорлигини кучайтириш, айниқса, улар томонидан бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида тизимли ишларни йўлга қўйиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, ушбу масалаларга Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари, Агросаноат мажмуи, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Таълим, фан ва маданият тармоқлари касаба уюшмаларининг эътибори кучайтирилиши зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Йиғилишда Бошланғич касаба уюшма ташкилотларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, улар олдида турган муаммоларни ечиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш борасида тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари томонидан олиб борилаётган ишлар аҳволи ҳам батафсил кўриб чиқилди.

Раёсат йиғилиши кун тартибидан ўрин олган яна бир муҳим масала — 2011 йилда болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштиришнинг якунлари ҳамда 2012 йил ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ишлари ҳам ўз долзарблиги жиҳатидан йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Таъкидлаш зарурки, ўтган йиллардагидан фарқли ўлароқ, бу йил болаларни соғломлаштириш йўналишида жорий этилган тизимли янгича ёндашув бу борадаги ишлар сифатини янада юқорироқ босқичга олиб чиқиш учун пухта замин яратди. Натижада 2011 йилги мавсумда янгича мазмун ва шаклу шамойилга эга бўлган оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Болаларни интеллектуал ривожлантириш, Меҳнат ва дам олдириш, Ҳарбий-спорт соғломлаштириш оромгоҳлари шулар жумласидандир.

Келгуси йил мавсумига тайёргарликнинг айни бугундан бошланиши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташаббуси билан тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасидаги оромгоҳларда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепцияси», «Болаларни оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини тизимли равишда ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириб бориш Республика комиссияси тўғрисидаги Низом» ҳамда «2012-2014 йилларда Республика ҳудудида замонавий болалар соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш ва реконструкция қилиш Дастури» лойиҳалари ҳам мазкур янгича ёндашув асосидаги саъй-ҳаракатлар самараларидан биридир.

Раёсат йиғилишида, шунингдек, Федерация кенгаши мутахассислари томонидан Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги санаторий-профилакторийлар фаолиятини ўрганиш натижалари ҳам кўриб чиқилди. Унда санаторий-профилакторийлар фаолиятини такомиллаштириш, уларда ходимлар ва талабалар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда даволаш сифатини янада ошириш масаласига алоҳида урғу берилди. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларининг бу йўналишдаги ишларга эътиборни янада кучайтиришлари зарурлиги уқтириб ўтилди. Шунингдек, санаторий-профилакторийлар фаолиятини йўналтириш ва мувофиқлаштириш, соғломлаштириш сифатини яхшилаш, кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш масалаларида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан янги иш ўринларини яратиш йўналишида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар таҳлили ҳам атрофлича муҳокама этилди. Айтиш жоизки, тизимдаги такомиллашув жараёнида жорий йилда йўлга қўйилган мазкур йўналишда олиб борилган ишлар натижасида бугунги кунгача 1175 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Хусусан, Самарқанд вилоятида қуриб битказилаётган «Ёш туристлар» меҳмонхонаси, Андижон шаҳрида ташкил этилган «Зебу зар» масъулияти чекланган жамияти, касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Даволаш-профилактика марказида яратилган янги иш ўринлари шулар жумласидандир.

Муҳокама давомида бу борадаги ишлар салмоғини янада оширишга оид таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, касаба уюшмалари фаолиятига оид яна бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация кенгаши Матбуот хизмати раҳбари**

*Конференция*

## Маънавият кўзгуси

***Кеча Темурийлар тарихи давлат музейида музей фаолиятининг 15 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***



Темурийлар тарихи давлат музейи Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тўёна сифатида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йил 18 октябрда очилган эди. Музейда тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, ўрганиш, тарғиб қилиш билан чекланиб қолмай, кўплаб мавзуларда тадқиқотлар ҳам олиб борилмоқда. Амир Темур ва темурийлар даври Ўзбекистон тарихининг энг шонли саҳифалари ҳисобланади. Бу даврнинг маънавий ва моддий маданияти инсоният тамаддунида ёрқин из қолдирган. Илм-фан, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт, шеърият, мусиқа санъати юксак даражада тараққий этиб, ўз навбатида «Темурийлар Ренессанси» сифатида шуҳрат қозонишига сабаб бўлди.

2002 йилдан буён Амир Темур ва темурийлар тарихи ҳамда маданиятини чуқурроқ ўрганиш, кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳар икки йилда бир марта илмий-амалий конференция ўтказилиб, конференция материалларини тўплам шаклида чоп этиш йўлга қўйилган. Мазкур тўплам материалларидан темуршунос олимлар, олий ўқув юрти талабалари, аспирантлар, магистрантлар ва барча қизиқувчилар фойдаланиб келмоқда.

«Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият» мавзуида бўлиб ўтган бу йилги илмий-амалий анжуманда Республикадаги илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларининг таниқли олимлари, ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Бугунги кунда турли сабабларга кўра чет элларга олиб чиқиб кетилган темурийлар даврига оид қўлёзма асарлар, бадиий ҳунармандчилик буюмлари ва санъат намуналари дунёнинг энг машҳур музей ва коллекцияларида намойиш этилиб, томошабинларни ҳайратга соляпти. Ана шундай буюмлардан бири — Мироншоҳ Мирзо ҳамда Гавҳаршодбегимнинг узук-муҳрлари бугунги кунда Санкт-Петербургдаги давлат Эрмитажида (Россия) сақланмоқда. «Uzbat H.J» қўшма корхонасининг ҳомийлигида ўзбекистонлик моҳир усталар Ф.Дадамуҳаммедов ҳамда М.Халиков томонидан ясалган мазкур узукларнинг нусхалари музейнинг олтин фондидан жой олди. Ушбу ноёб экспонатлар анжуман доирасида илк бор намойиш этилди.

Бу йилги конференция «Темурийлар даврида аниқ ва табиий фанлар, шаҳарсозлик», «Темурийлар даврида тарихнавислик, адабиёт ва санъат» ва «Темурийлар даврида таълим тизими ва илм-фан ривожи» каби йўналишларни қамраб олди. Унда Амир Темур ва темурийлар тарихига бағишланган 50 дан зиёд илмий маърузалар тингланди.

Конференция якунида маърузачиларга Темурийлар тарихи давлат музейининг эсдалик совғалари («Жаҳон хазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар» номли открикалар коллекцияси, музейнинг 15 йиллик фаолиятини акс эттирувчи рисола, конференция тўпламлари) топширилди. Шунингдек, анжуман иштирокчилари музей экспозицияси ва залларидаги кўргазмалар билан яқиндан танишдилар.

**Довуд МАДИЕВ**

*Саломатлик спартакиадаси*

## Ташкилий қўмита мажлиси

***Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мажлислар залида Республика «Саломатлик» спартакиадаси ташкилий қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудирлари, тармоқ кенгашлари раислари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда вилоят ҳокимлиги масъул ходими Эркин Убайдуллаев, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Рита Зокироваларнинг ташкилий жараёнлар ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси Баҳодир Тожиев майдон ва жиҳозлар таъминоти юзасидан ўз тавсияларини берди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



*Учрашув*

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман, шаҳар бирлашган қўмиталари раислари малакасини ошириш бўйича ташкил этилган ўқув таассуротларга бой бўлди.***

## «Қуёшдай порлайди жонажон Ватан...»

Унда соҳа мутахассислари ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг қатор маърузалари тингланди. Жумладан, мамлакатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Сенатининг қўшма мажлисида таклиф этилган Концепциянинг аҳамияти, бугунги ижтимоий-сиёсий вазият, турли ёт мафкураларнинг зарари ҳамда тинчлигимизга таҳдиди борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V ва тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг I қурултойлари қарорларидан келиб чиқадиган асосий вазифаларга ҳам эътибор қаратилди. Бундан ташқари, «Бошланғич ташкилотлар учун қўлланма»нинг касаба уюшмалари органларида ишларни ташкил этишдаги аҳамияти, меҳнат муҳофазаси, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси, ижтимоий шериклик, Бош келишув, ҳудудий келишувлар ва жамоа шартномаларининг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ҳамда миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ҳақидаги маърузалар иштирокчиларга манзур бўлди.

**(Давоми 4-бетда)**



*ННТ фаолиятидан*

## Эзгу мақсад йўлида

***Ёш оилаларга кўмак бериш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бошпанаю тандир-учоқ ҳашар йўли билан қурилгач, уларга кимдир супра, кимдир ушоқ мол ва бошқа яқинлар рўзғор учун зарур ашёлар келтириб беради. Буни ҳеч ким қарз ёки мажбуриятдан қилмайди. Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишлар замирида ҳам халқимизга хос анъана акс этган. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иқтисодий барқарорлиги ва молиявий жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш мақсадида ажратилган грант асосида, хусусан, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази Хоразм вилоят бўлими томонидан талай ишлар амалга оширилмоқда.***

«Келажак овози» ёшлар ва болалар студиялари фаолиятига кўмаклашиш, ёшлар мавзусида телемаҳсулот тайёрловчи ёш журналист кадрлар малакасини ошириш» лойиҳаси асосида ажратилган маблағ теле ва фотолавҳалар тайёрлашга сарфланди. «Келажак овози» ЁТМ «Ёшлар студияси»да 15 нафардан ортиқ ижодкор фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг феврал, март, апрел ойларида улар вилоятнинг шаҳар, туманлари бўйлаб ижодий сафар қилишди. Тайёрланган фото ва телелавҳалар «NTT», «FORUM.TV», «S-IQBOL.TV» «8TV», «Xorazm.TV» телеканалларида эфирга узатилмоқда. Белгиланган режадан ортиқ ишлар амалга оширилди. Шунингдек, 30 нафарга яқин ёш журналист малакаси оширилиб, маҳаллий телеканаллар, газета ва журнал таҳририятларига юборилди. «Хоразм ҳақиқати», «Хоразм ёшлари», «Тўмарис авлоди» газеталари, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

— Ёшлар студиясига замонавий техник ускуналар — Sony HD 1000, Panasonic MD-10000 рақамли видеокамера, штатив, петличка ва репортаж микрофонлари, монтаж компютери, кассеталар ва бошқа зарурий жиҳозлар жамланмаси тақдим этилди, — дейди «Келажак овози» ЁТМ вилоят бўлими раҳбари Ж.Жуманиязов. — Ёшлар студияларининг 2008 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ўтказилган «Ёшлар парвози» биринчи медиа-фестивалида қўшимча равишда монтаж компютерлари грант асосида топширилди. 2009 йилда ҳудудий телестанциялар ёрдамида Ёшлар студияси учун янги тасвирга олиш павильонлари барпо этилди. Бугунги тезкор ахборот ва коммуникациялар даврида ёшларда юртга муҳаббат, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби фазилатларни тарбиялашда айнан бугун электрон оммавий ахборот воситаларининг таъсири жуда катта. Юқоридаги вазифаларни ҳал этишдаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш, молиявий харажатларнинг бир қисмини қоплаш мақсадида мазкур лойиҳага давлат ижтимоий буюртмасини жойлаштириш лозим. Лойиҳа муддати тугагандан кейин лойиҳа муваффақиятли давом этиши учун доимий маблағ ресурсларини излаб топиш, лойиҳага ҳамкорлар ва ҳомийларни жалб қилиш зарур, деб ўйлайман. Шу мақсадда узоқ муддатли режа ҳам тузилган. Унда ёшларнинг ижтимоий муаммолари олдини олиш, экологик маданиятни юксалтириш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган фото ва видео лавҳалар тайёрлаш, ёшлар студияси ёш журналистлари малакаларини доимий равишда ошириб бориш масалалари акс этган.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Бошланғичда нима гап?*

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чирокчи туман бирлашган қўмитаси ишловчилар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, турли спорт тадбирлари уюштириш, таълим муассасаларини спорт жиҳозлари билан таъминлашга катта эътибор қаратмоқда. Жорий йил туман тармоқ ходимлари ўртасида учта спартакиада ўтказилди. Жумладан, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ишловчилар, мактаб директорлари ҳамда педагоглар алоҳида беллашдилар. Шунингдек, кам таъминланган педагогларнинг 245 нафар фарзанди Шаҳрисабздаги Йўлдош Охунбобоев ҳамда Яккабоғдаги Мирзо Улуғбек номидаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди.***

# Касаба уюшманинг устувор ўрни

Бошланғич ташкилот етакчиларининг ҳуқуқий ва соҳага оид бошқа билими оширилмоқда. Бирлашган қўмита томонидан 60 дан зиёд қонунлар тўплами тарқатилиб, касаба уюшма хоналари меъёрий ҳужжатлар билан таъминланди.

Фаолларнинг янгиликлардан вақтида хабардор бўлиши учун газеталарга йиллик обуна ташкил этилди. Касабақўмларнинг кўпчилиги ўтган йилги ҳисобот-сайлов конференцияларида сайланган ёш кадрлар. Шу боис, улар билан ҳар бир учрашув «Устоз-шогирд» анъаналари остида ўтади.

## Ҳамкорлик



Тумандаги 160-ўрта мактаб ўқитувчиси Зуҳра Авлоёрова бу йилги таътилни қандай ўтказиш ҳақида ўйлай бошлади. Чарчаганини ҳис қилди. Маслаҳат учун муассаса касабақўми Камол Раҳмонов қабулига кирди.

— Йўлланма сўраб, ариза ёзинг. Сиҳатгоҳда дам оласиз...

Шу тариқа З.Авлоёрова «Ботаника» санаторийсида саломатлигини тиклаб қайтди.

Камол ака мактаб директори Хурсанд Йўлдошева билан ҳамфикр эканидан хурсанд. Опа ҳам «ходимларимга яхши бўлсин» дейдиган раҳбарлардан. Яқин-яқингача мактаб сув танқислигидан ободонлаштириш бўйича мақтана олмасди. Маъмурият ва касабақўмнинг саъй-ҳаракати билан муаммо туман ва вилоят ҳокимлигида ўрганилиб, ҳудудга сув келтирилди. Айни пайтда таълим маскани ҳудудини дарахтзорлар эгалламоқда.

## Суянчиқ



2-ихтисослаштирилган мактабда она тили, адабиёт, тарих ва инглиз тили фанлари чуқур ўргатилади. Изланувчан муаллима Соҳиба Бердиқулованинг қувончи чексиз. Шогирдлари фан олимпиадаларида фаол қатнашиб келяпти. У жамоатчилик асосида касаба уюшма ишини ҳам сидқидилдан бажармоқда. Ходимларга қулай иш шароити яратиш, уларнинг иш ҳақини вақтида олишига кўмаклашиш, жамоа шартномасида кўрсатилган бандлар бажарилишига эришиш унинг зиммасида.

— Ишончни оқлашга ҳаракат қиляпман, — дейди С.Бердиқулова. — Ходимлар касаба уюшма қўмитасини ўзларига суянчиқ деб ҳис қилишаяпти. Апрел ойида «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳида ўтган минтақавий ўқув-семинарда касаба уюшма ишини ташкил этиш бўйича кўп нарса ўргандик. Айни пайтда уларни фаолиятимда татбиқ этяпман...

## Яхши ишла, рағбат ол

Тумандаги 4-ўрта умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раисаси Дилдора Зиёдова Қарши шаҳрида ўтган минтақавий ўқув-семинардан куч-ғайратга тўлиб қайтди. Дастлаб педагоглар ўртасида спорт тадбири уюштирди. Сўнг директорнинг мактаб раҳбарлари спартакиадасида иштирокини таъминлади.

— Сайланганимга бир йил бўлди, — дейди у. — Жорий йилнинг баҳорида 2010-2011 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг бажарилишини муҳокама қилдик. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан шартномага баъзи қўшимчалар киритилди. Жумладан, ижтимоий шериклик асосида педагог ходимларнинг турмуш даражасини ошириш, ишловчиларни янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар белгилаб олинди. Жамоа шартномалари орқали иш берувчилар ва ходимлар ўртасида самарали муносабат ўрнатиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ходимларнинг ташаббус ва изланишини рағбатлантириб бориш белгиланди. Давлат дастури тадбирлари асосида режа ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилмоқда.

## Робот келин

Қирғиз қишлоғидаги 36-ўрта мактаб касабақўми Дилноза Носировани қишлоқ одамлари «робот келин» дейишади. Чунки Дилноза чарчаш нелигини билмайди. Уй-рўзғор юмушларини ҳам, мактабдаги ишларини ҳам жой-жойида ва пухта бажаради. Педагоглар ўртасида тез-тез мусобақалар ташкил этиб, ғолибларни кейинги босқичга тайёрлайди.

Мактаб директори Саломат Тангриқулова ҳам ёшлардаги шижоатни кўриб, қандай қилиб қўлига ракетка ушлаганини билмай қолади.

Туман бирлашган қўмитаси мустақиллик байрами арафасида касаба уюшма қўмитаси хонаси учун жиҳозлар совға қилди. Демак, ишлаш учун шароит ҳам, рағбат ҳам бор.

## Боғи билан бой бўлган мактаб

Хўжа Абдужаббор қишлоғидаги 110-мактаб боғининг довруғи кўпчиликка маълум. Боғ ҳосилга кирган бўлиб, даромад муассасанинг таъмирлаш ишларига сарфланади. 200 туп мевали, 3000 та терак дарахтларига қараб, ҳавасингиз келади. Оралиқ экинлар, сабзавотлар ҳам экилган бўлиб, боғбон Қўлдош Сафаров уларнинг барига масъул.

Мактаб директори Тошмамат Аҳмедов ҳамда касабақўм Зубайда Қурбонова ходимларнинг иш ҳақини вақтида бериш, меҳнат таътилига чиқариш ва уларни рағбатлантириш ишларини самарали олиб боришмоқда.

Энг муҳими, ходимлар касаба уюшма қўмитасига суянишади.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик,

# Одам тафти

***Одам тафтини одам олади, зеро, шинавандалик, очиқчеҳралик одамийлик белгисидир. Ана шундай мезонларни ўз тамойилига айлантирган «Mehr ko`zda» марказининг мақсади ҳам кишиларга мурувват кўрсатиш, оғирини енгил қилишдир.***

Юртимизда турли соҳаларда беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаётир. Бу кўрсаткич 2000 йилга таққослаганда 2,5 баробар кўпдир. Айни пайтда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари сони 10 мингдан ортиқ бўлиб, уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари, жумладан, Республика Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар сўнгги йилларда фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўз фаолиятини 2003 йил «Mehr ko`zda» номи билан бошлаган марказ амалга оширган ишлари, ҳаётга татбиқ этган лойиҳалари балан ННТлар ичида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Марказ ўз йўналиши, низомидан келиб чиқиб, аҳолининг, айниқса, кам таъминланган оилаларни ижтимоий томондан ўрганиб чиқиш, уларга тегишли консультациялар бериш, зарур пайтда юрист, олим ҳамда психологлар кўмагида инсонларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиб келаётир.

Марказ оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, шу орқали хотин-қизларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларига камарбасталик қилмоқда. Жумладан, жамоат фонди томонидан ҳар йили тақдим этилган грант танловида бир неча бор ғолиб бўлган марказ маблағларни мақсадли сарфлаб, бир қанча аёл ва ёшларни иш билан таъминлашга эришди.

— Бошиданоқ ёшларни, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни касб-корга ўргатиш ишларига алоҳида эътибор қаратдик, — дейди биз билан суҳбатда марказ директори, ЎзННТМА ижтимоий ва гуманитар ишлар бўйича раис ўринбосари Моҳира Тошхўжаева. — Ҳозирда маҳалла фуқаролик йиғинлари билан ҳамкорликда Юнусобод туманидаги уй бекаларини ишга йўналтириш, уларга керакли йўриқномалар бериш ниятида янги лойиҳа ижроси устида иш олиб боряпмиз. Жамоат фонди томонидан 14 млн. сўм миқдорида грант ҳисобига «Турон» маҳалласида «Ўзингга ишон» шўъба корхонасини очдик. Эндиликда бу ерда аёллар учун икки ойлик ўқув курслари ташкил этиш ҳаракатидамиз. Бунда аёлларни тикиш-бичиш, миллий ҳунармандлик сир-асрорларидан воқиф этиб, келажакда уларни шу ернинг ўзида иш билан таъминлаш ниятидамиз. Келажакдаги мақсадимиз, марказимиз фаолиятини кенгайтириб, тил ўрганиш, компютер саводхонлиги, матбуот хизматларини ташкил этиш ҳамда ижтимоий буюртма шаклида юртимиз равнақига хизмат этишдир.

Кўриб турганингиздек, марказ муҳтож кишиларга тайёрини тутқазмайди, балки унга иш ўргатиб, келажакда ўз йўлини ўзи белгилашга ундайди. Токи, бундай ҳожатбарорлик ҳар бир кишига ҳаёти давомида асқотсин.

**Наргиза АСАДОВА**

***Гулистон туманининг «Маданият» маҳалласида яшовчи Эркин Комилов ишдан ҳориб-чарчаб келганида, турмуш ўртоғи унга туман газ идорасидан берилган далолатномани узатди. Унда Э.Комиловнинг табиий газ тўловидан 370 минг сўм қарзи борлиги учун тармоқдан узилганлиги қайд этилган ва унга турмуш ўртоғининг имзоси қўйилган эди. Эркиннинг фиғони фалакка чиқди. Негаки, у фойдаланилган табиий газ учун вақтида ҳақ тўлаб борарди.***

***— Ёқмаган газимиз учун 370 минг сўм ёзиб кетишибди. Яна далолатномага сана ҳам қўйилмаган. «Емаган сомса учун пул» деб шуни айтсалар керак-да, — деди Э.Комилов жиғибийрон бўлиб.***

# Найранг ўтмади

У эртаси куни «Гулистонтумангазтаъминот» идораси назоратчиси Ғани Юлдошевни излаб, унинг иш жойига борди. Уни идора бошлиғи қабул қилмай, бош назоратчига йўллади. Бош назоратчи ҳам уни қабул қилмади. Хуллас, Э.Комиловнинг дардини тинглайдиган инсон топилмади. Шундан сўнг у истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти бирлашмасига мурожаат этди. Бирлашма мутахассислари Э.Комиловнинг шикоятини ўрганиб чиқишди. «Гулистонтумангазтаъминот» идорасига расман мурожаат этиб, ноқонуний, санаси қўйилмаган далолатномани бекор қилишни ва Э.Комилов хонадонига газ тармоғини улаб беришни сўрашди. Аммо «Гулистонтумангазтаъминот» идорасининг ўзи хон, кўланкаси майдон раҳбарлари бу расмий хатга ҳам эътиборсиз қарадилар. Бирлашма томонидан юборилган «Эътирознома»га ҳам бир энлик жавоб ёзилмади. Вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси истеъмолчи Э.Комиловнинг манфаати юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат этди. Суд томонидан «Гулистонтумангазтаъминот» корхонаси назоратчиси Ғани Юлдошевнинг далолатномаси ҳам, 370 минг сўм қарз ҳам бекор қилинди. Тумангаз таъминот корхонасига истеъмолчи Э.Комилов хонадонини газ тармоғига улаш вазифаси юклатилди. Шунингдек, корхона ўз истеъмолчисини беҳуда овораисарсон қилгани учун 171 минг сўм маънавий зарар тўлайдиган бўлди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

***Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида солиқ тўловчига енгиллик бериш, унинг ишини осонлаштиришни кафолатлайдиган кўплаб моддалар мавжуд. Камерал назорат айнан шундай қоидалардан бўлиб, бунда солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботлари, шунингдек, фаолиятга оид мавжуд бошқа ҳужжатлар давлат солиқ хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади. У нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи, фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш, акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалаш, давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига вақтида ва тўлиқ тушишини ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат этиш кабиларни ташкил этади.***

# Солиқ қонунчилиги амалда

Камерал назоратни янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 26 мартда «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини камерал назоратдан ўтказиш ва улар асосида аниқланган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган ҳолатлар бўйича солиқ текширувларини ташкил этиш тўғрисида»ги низоми жорий этилди. Шу асосда Мирзо Улуғбек туман ДСИ томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2011 йил 1 октябр ҳолатига ҳисоботлар бериш мажбуриятига эга бўлган 4882 та корхонадан 3743 таси чораклик ва 1139 таси ойлик ҳисоботлар тақдим этган.

Жорий йилнинг 9 ойида корхоналар томонидан топширилган ҳисоботларнинг жами 15076 таси, шундан 9800 та чораклик ва 5276 та ойлик ҳисоботлар камерал назоратдан ўтказилди. Натижада 799 та корхонанинг ҳисоботларида камчиликлар аниқланди. Жумладан, 584 та корхонанинг 1118 та ҳисобида корхона реквизитлари нотўғри тўлдирилган ёки тўлиқ эмас. 215 та корхонанинг 223 та ҳисоби эса нотўғри ҳисобланган. Шу сабабли ҳисоботлар қайта кўрилиб, камчиликлар бартараф этилди. Жами 4 млрд. 550,7 млн. сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қўшимча ҳисобланди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қўшимча ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловлар тўлиқ ундирилди.

Ҳисоботлардаги камчиликларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларга киритилаётган қўшимча ҳамда ўзгартишлар, камерал назорат мазмун-моҳиятини ОАВ, интернет сайтлари, шунингдек, давра суҳбатлари, семинарлар орқали тарғиб этиш кучайтирилмоқда.

**У.РАҲМОНОВ,**
**Мирзо Улуғбек туман ДСИ бўлим бошлиғи**

# Миллий армиямиз таянчи



***Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.***

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси**

*Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз мудофаа тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилиб, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминловчи профессионал армия шакллантирилди. Мамлакатимиз мудофаа тизимини етук мутахассис кадрлар билан таъминлаш муҳим вазифалардан. Ушбу вазифани бажаришда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан изчил фаолият олиб борилаётир.*

Мазкур ташкилотнинг Самарқанд вилоят кенгаши таркибида автомобил мактаби, бирлашган техника мактаби, вилоят спорт техника клуби, ўқ отишга ихтисослашган спорт клуби, 13 ўқув спорт-техника клуби фаолият юритмоқда.

Самарқанд шаҳридаги бирлашган техника мактабида Қуролли Кучларимиз ва иқтисодиёт тармоқлари учун ҳайдовчилар, алоқачи ва радиоалоқачилар тайёрланмоқда. Мактабда курсантларнинг ўз мутахассислиги бўйича етарли малака ва кўникмага эга бўлиши учун барча шароит яратилган. Бу ерда курсантларни ҳарбий ҳаётга ўргатиш, ҳар томонлама чиниқтириш мақсадида спорт мусобақалари, назарий ва тактик-ўқув машғулотлари мунтазам ўтказилади.

**Суратда:** *Самарқанд шаҳридаги бирлашган техника мактаби курсантлари машғулотда.*

**Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат**

# Ноқонуний ишнинг ташвишлари

**Жорий йилнинг март ойида Ангор туман ДСИ вилоят хўжалик судига тумандаги «Ҳайиталибек-Ангор» хусусий корхонасига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраб даъво аризаси киритди.**

Аниқланишича, 2010 йил 11 декабрда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман ҳудудий комиссиясининг рухсатномасига асосан «Ҳайиталибек-Ангор» хусусий корхонасига қарашли ошхонада қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширув жараёнида ошхона ҳисобчиси хўрандадан истеъмол қилинган таом учун 12000 сўм олиб, чек бермаганлиги ҳамда 58200 сўм савдо пулини назорат касса машинасига кирим қилмасдан банкка топширганлиги аниқланди. Ҳуқуқбузарлик содир этилгани учун суд «Ҳайиталибек-Ангор» хусусий корхонасига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида, яъни 1492050 сўм молиявий жарима қўллаш ҳақида қарор чиқарди. Бундан ташқари, корхонадан даъвогар — ДСИ фойдасига 5000 сўм почта харажатлари, шунингдек, 497350 сўм давлат божи ундириш тўғрисида қарор кучга кирди.

**А.АЛЛАҚУЛОВ,**
**Сурхондарё вилоят хўжалик суди судяси.**
**И.РУСТАМОВ,**
**вилоят хўжалик суди матбуот котиби**

*?* *Мамлакатимиз қонунчилигида якка меҳнат низолари қандай тартибда ҳал қилинади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.*

**Ўлмас ТОИРОВ,**
**Чирчиқ шаҳри**

Бунинг учун меҳнат низоларининг тааллуқлилигини аниқлаш лозим. Меҳнат низоларининг тааллуқлилиги — бу меҳнат низоларининг турига ва характерига қараб қонун асосида муайян органлар томонидан кўриб, ҳал этилиши ва органларнинг ушбу низоларни кўриш ваколатига эга бўлишини англатади. Меҳнат кодексининг 260-моддасига кўра, якка меҳнат низолари меҳнат низолари комиссияси ёки суд томонидан кўриб чиқилади. Меҳнат низоларининг тааллуқлилиги кодекс асосида белгиланган бўлиб, унга кўра, қуйидагича меҳнат низолари меҳнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқилиши мумкин эмас:

— агар якка меҳнат низолари меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъий назар, ишга тиклаш тўғрисида;

— меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида;

— мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;

— ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса;

— меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни иш берувчи томонидан (шу жумладан маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

— агар Меҳнат кодексининг 78-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса;

— иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан бўлса.

Юқоридагилардан ташқари ҳолатларда ходим меҳнат низосини ҳал этиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссияси ёки жойлардаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиши мумкин. Судлар якка меҳнат низоси комиссияси томонидан кўрилмаганлигини важ қилиб, уни рад этишга ҳақли эмас.

**Назокат ИКРОМОВА,**
**Тошкент вилояти, Зангиота тумани давлат нотариал идораси нотариуси**

# Уни ҳимоя қилайлик

## Харидордан узр сўради

Қувасой шаҳридаги савдо дўконларидан бирига маҳсулот сотиб олиш учун кирган Толибжон Қодиров:

— Бир буханка нон ва гугурт олмоқчи эдим? — дея сотувчига 100 сўмлик қийматидаги тангаларни узатди. Сотувчи эса:

— Мен танга пулни олмайман, шундоқ ҳам улар йиғилиб кетган, — дея ўдағайлаганча тангаларни харидорга қайтарди.

— Ҳой, бу нимаси, болам, танга пул эмасми? — деди вазиятни кузатиб турган катта ёшли харидорлардан бири.

Сотувчи унинг гапига эътибор ҳам бермади. Қўпол муомаладан Т.Қодиров ноқулай аҳволга тушди. Дўкондан чиққач, Қувасой шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, арзини айтди. Жамият мутахассислари ушбу дўконда бўлиб, сотувчи Гулруҳ Каримованинг бу хатти-ҳаракати Ўзбекистон Республикасида пул муомаласи ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларга мутлақо хилоф экани ҳақида тушунтириш беришди. Мулзам бўлган сотувчи харидордан узр сўради.

**Учкудуқ тумани Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари мутахассислари Халқлар Дўстлиги кўчаси 27-уйда яшовчи Улдай Тайированинг мурожаатини ўргангач, шикоят ўринли эканини аниқлашди.**

## Кумуш узук

У. Тайирова Кончилик бозори ҳудудидаги заргарлик устахонасига бориб, кумушдан узук ясатмоқчи эканини айтди.

— Узук айнан шу зирагимга мос бўлса, дегандим, — деди у.

Уста мижознинг қўл бармоғи ўлчамини олиб, буюртмани қабул қиларкан:

— Кейинги ҳафтага тайёрлаб қўяман, баҳоси 170 минг сўм бўлади, — деди.

Айтилган вақтда келган мижоз узукни кўриб қувониб кетди. Чунки у чиройли ва нафис нақшлар билан безатилган бўлиб, энг сўнгги русумдаги кўринишда эди. Улдай уни бармоғига тақиб кўрганида ўлчами ҳам тўғри келди. Буюртма ҳақини тўлаб узукни олиб кетди.

Аммо Улдайнинг хурсандчилиги узоққа бормади. Икки ҳафтагина тақилган узук жозибасини йўқотиб, қорайиб кетди. Улдайнинг кайфияти бузилиб, узукни устага олиб борди. Уста: «Кумуш ҳақиқий», деб туриб олди. Тортишиш бефойдалигини сезган мижоз Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг мутахассислари кўмагида уни сифатли заргарлик буюмига алмаштириб олди.

**Умида МАНСУРОВА**




**Сирдарё туманидаги «Peng-Sheng-Shoes» корхонасида яқинда кўнгилсиз воқеа рўй берди. Соат эрталабки 10 лар атрофида пойабзал цехи ишчилари ўзларини бирданига беҳол сеза бошладилар. Цехда иш тўхтатилиб, ишчилар ташқарига чиқарилди. Иккита «Тез ёрдам» автомашинасида ўн икки нафар ишчи туман шифохонасига жўнатилди. Шифокорларнинг шошилинч тиббий муолажалари туфайли хавф-хатар чекинди, ишчилар соғайиб, оилалари бағрига соғ-саломат қайтдилар.**

## Бахтсиз ҳодиса

Ушбу ҳодиса сабаблари вилоят меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси ходимлари томонидан пухта ўрганилди. Текшириш чоғида ишчиларнинг корхона цехидаги табиий газдан заҳарланганлиги аниқланди. Иш берувчининг ишчи-хизматчиларга хавфсиз иш шароити яратиб беришга эътиборсизлик билан қараганлиги мана шундай кўнгилсиз ҳодисага олиб келди. Ҳайриятки, унинг оқибати хайрли кечди. Акс ҳолда бир эмас, ўн икки нафар инсоннинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин эди.

Вилоятда ишчи-хизматчиларга иш ва меҳнат шароитлари яратиб бериш, меҳнат муҳофазаси аҳволи ўрганилганда кўплаб корхона, ташкилотларда қонун талаблари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Жумладан, «Нафис либос» МЧЖ, «Сирдарё электр тармоқлари», вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тизимларида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилган. Вилоят меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси томонидан 46 та хўжалик юритувчи субъектларда белгиланган тартибда текшириш ўтказилди ва уларда 1039 та камчилик аниқланди. Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган 46 нафар мансабдор шахсга маъмурий тартибда жазо чоралари кўрилди.

Шунга қарамай вилоятда ҳамон бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Ўтган давр давомида 17 та бахтсиз ҳодиса юз берди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўнгилсиз ҳодисалар жойларда оддий шарт-шароитларнинг йўқлиги, техник назоратнинг сустлиги, меҳнат интизомининг пастлиги туфайли юзага келмоқда.

**Н. АНОРБОЕВ**

## «Биз — бунёдкор халқмиз!» фототанловига

*Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.*

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси**



## Матоларга жон киритиб

***Қашқадарёлик Феруза Каримова умидли дизайнер-модельерлардан. Унинг замонавийлик ва миллийликни уйғунлаштирган ҳолда турли хилдаги либослар яратишга иштиёқи баланд. Ижодий ишларида асосан хонатлас, адрас, беқасам каби миллий матолардан кенг фойдаланади. Ўз ижод намуналари билан турли танловларда иштирок этиб, кўпчилик эътиборига тушган.***

Ёш дизайнер, шунингдек, «Машҳура» ўқув марказининг Қарши филиалида қизларга чеварчиликдан сабоқ бермоқда. У миллий анъаналаримизни ўзида жо этган матолардан яратилган либосларни дунёга танитиш, уларнинг хусусиятлари ва қулайликларини кенг тарғиб этиш орзусида.

**Суратда:** *Феруза Каримова.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат**

***Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Ҳамза тумани Давлат солиқ инспекциясида руйхатга олинган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаган 19 та кичик бизнес субъектлари жорий йил текширишлар режа-жадвалидан чиқарилди.***

## Тадбиркор қонун ҳимоясида

Юқоридаги фармонга асосан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиб қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасида аниқ чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. 2012 йил текширишлар режа-жадвалига киритилаётган хўжалик юритувчи субъектлар Президентимизнинг мазкур фармонида белгилаб берилган талаб ва кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

Режали текширишларнинг ошкоралигини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги «www.soliq.uz» сайтида ҳар бир назорат органи томонидан режали текширишлар қандай тартибда ташкил этилиши ҳақида батафсил маълумот эълон қилиб борилмоқда.

**С.МИРЗАЕВ, Ҳамза тумани ДСИ бўлим бошлиғи**



**«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан хорижий валюта, тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши тегишли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.**

**Амалдаги тартибларга кўра, республикамиздан резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги нақд хорижий валютани божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарти билан эркин олиб чиқиб кетишга рухсат этилган. Афсуски, мазкур қоидани бузган ҳолда, нақд хорижий валютани яширинча олиб чиқишга уринишлар учраб турибди.**

## Доллар, евро... тилла!

Истамбулга йўл олган зангиоталик Х. Анна божхона кўриги чоғида инспекторлар олдида ер чизиб қолди. Чунки, у қўл сумкасига беркитилган 10 минг 90 АҚШ долларини ноқонуний олиб чиқишни кўзлаган эди.

«Тошкент-Алмата» йўналишида сафарга отланган Рисқия Хусинова 27 минг 700 АҚШ долларини ноқонуний равишда олиб чиқишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди. Қонунбузар қўл сумкасидаги нонлар орасига моҳирлик билан яширилган хорижий валюталар ҳақида божхона баённомасида ҳам, оғзаки сўров пайтида ҳам маълум қилишни «унутиб» қўйибди.

«Тошкент-Бангкок» рейси олдидан божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга уринган латвиялик «меҳмон» А.Тукулиснинг республикамиздан 17 минг еврони яширин тарзда олиб чиқиш «режа»си иш бермади.

Маълумки, амалдаги тартибга мувофиқ, фуқароларга хориждан акциз солиғи солинмасдан олиб кириш учун умумий оғирлиги 30 граммдан ошмайдиган қимматбаҳо металл ва тошлардан ясалган бештагача заргарлик буюмига рухсат берилади. Белгиланган меъёрдан ортиқча олиб кирилган тилла буюмлар учун божхона тўлови ундирилиши лозим. Шунга қарамай, мазкур тартибга риоя қилмай, тилла ва заргарлик буюмларини ноқонуний йўллар билан олиб ўтишга уринаётган шахслар ҳам учраб турибди.

«Истамбул-Тошкент» йўналишида парвозини якунлаган наманганлик Сожида Мамадалиева оғзаки сўрови пайтида ҳам, божхона баённомасида ҳам ёнида ортиқча қимматбаҳо буюмлар йўқлигини таъкидлайди. Аммо, унинг бу ёлғонини назорат-рентген аппарати чиппакка чиқарди. Сумка холислар иштирокида кўздан кечирилганда, ундаги кийим-кечаклар орасига 256 гр. тилла тақинчоқлар яширилгани фош бўлди. Аниқланишича, жами 68 дона бўлган мазкур заргарлик буюмларининг умумий қиймати салкам 14 млн. сўмни ташкил қилар экан.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 359 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 32 млрд. сўмлик 186 кг. дан ортиқ тилла ва заргарлик буюмлари ҳамда 1462 та қонунбузарлик ҳолатларида 2,9 млрд. сўм эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

**Ҳусен ТАНГРИЕВ, Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати инспектори**

# Олам ва одам

**ТУРКИЯ**



**Маълумки, 23 октябр куни Туркиянинг Ван вилоятида зилзила содир бўлган эди. Силкиниш 7,2 балл бўлиб, сўнгги маълумотларга қараганда ҳалок бўлганлар сони 239 кишини ташкил этмоқда. Қутқарув ишлари ҳали якунига етмаганлигини ҳисобга олганда, қурбонларнинг умумий сони 500 кишидан 1000 кишигача етиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.**

## Қурбонлар сони ортмоқда

Хабарларга қараганда, 7,2 балл деб баҳоланган биринчи энг кучли силкиниш маҳаллий вақт бўйича 13:41да юз берган. Сейсмология хизматининг берган маълумотига кўра, зилзила маркази Ван шаҳридан 16 километр масофада бўлган.

Шунингдек, Ван шаҳридан 90 километр шимолда жойлашган Эржиш шаҳри зилзиладан энг кўп талофат кўрганлиги хабар қилинмоқда. Бу ерда саксонга яқин кўпқаватли уйлар бузилган. Харобалар остидан эса ҳалигача жабрланганлар топилмоқда. Эржиш шаҳрида жами 117 киши ҳалок бўлгани айтилмоқда.

Қизил яримой жамияти табиий офат юз берган жойларга чодир ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб, дала шароитида касалхоналар ташкил қилган. Аҳолининг кўп қисми яшаш жойидан маҳрум бўлган, турар жойи талофат кўрмаганлар эса зилзила такрорланишидан қўрқиб, уйга қайтганича йўқ.

**ИРОҚ**



***27 октябр куни Бағдод шаҳрида икки марта портлаш содир бўлди. Шаҳар полицияси берган маълумотларга қараганда, 18 киши ҳалок бўлган, 37 киши турли даражада жароҳатланган.***

## Бағдодда ҳаммаёқ... нотинч

Маълумотларга қараганда, биринчи портлаш мосламаси полиция патрули машинаси яқинида портлаган ва оқибатда икки полиция ходими, бир фуқаро жароҳатланган. Иккинчи мослама эса қутқарувчилар жабрланувчиларни воқеа жойидан эвакуация қилаётганида ҳаракатга келтирилган.

Сўнгги пайтларда жангарилар Бағдод полициясига қарши бир қатор ҳужумлар уюштирмоқда. Ҳужумлардан ҳатто қуролсиз йўл ҳаракати назоратчилари ҳам четда қолаётгани йўқ. Юқоридаги портлашлар юз берган куни эрталаб, полиция ходимига номаълум шахс томонидан қуролли ҳужум уюштирилган. Шаҳарнинг жанубий қисмида эса бошқа бир полициячи шундай ҳужум оқибатида яраланган.

**АҚШ**



***АҚШ президенти Барак Обама Денвер шаҳрида талабалар билан учрашув ўтказди. У ўз нутқида мамлакат ҳукумати томонидан талабаларга молиявий енгилликлар бериш чора-тадбирлари режалаштирилаётганини маълум қилди.***

## Молиявий енгиллик

Қонунчиликдаги ушбу янги ташаббус талабаларга 2012 йилдан бошлаб таълим кредитлари тўловини ўз даромадларининг 10 фоизигача чеклашни кўзда тутади. Шунингдек, Барак Обама таълим учун олинадиган қарзларнинг фоиз ставкаларини камайтиришни таклиф қилмоқда. Президентнинг фикрича, ушбу ташаббус мамлакатдаги бир ярим миллиондан ортиқ талабаларга ойига бир неча юзлаб долларни тежаб қолиш имконини беради.

Барак Обаманинг сўзларига қараганда, ўртаҳол талаба олий ўқув юртини тамомлаганида унинг қарзи ўртача 24 минг долларни ташкил қилади. «Биз ҳар бир америкалик олий таълим олиш имкониятига эга бўлиши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз керак», — деди у.

**БМТ**



***Дунёнинг фармацевтика соҳасидаги етакчи компаниялари ўз маҳсулотлари патентларини ривожланаётган мамлакатлар билан биргаликда «баҳам кўришга» қарор қилди. «WIPO ReSearch» деб номланган ушбу лойиҳа БМТнинг Интеллектуал мулк ташкилоти ташаббуси билан бошланди.***

## Бепул патентлар

Соҳанинг «Pfizer», «GlaxoSmithKline», «Novartis», «Merck», «Sanofi» ва «AstraZeneca» каби етакчи компаниялари лойиҳада қатнашишга розилик билдирган. Эришилган келишувга кўра, ушбу компаниялар ривожланаётган мамлакатларга ўз дори воситалари, вакциналари ҳамда фармацевтика технологияларини бепул ишлаб чиқариш ҳуқуқини тақдим этади.

Фармацевтика компаниялари шу тарзда йигирмага яқин ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар, жумладан, сил, безгак ва бошқа тропик касалликларни даволовчи дори воситалари ишлаб чиқарилишини жонлантириш ниятида.

**Интернет хабарлари асосида Ж.ЮНУСОВ тайёрлади**

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг 27.07.2011 йилдаги 112-сон ва «Ўзбекинвест» ЭИМСК Тошкент шаҳар филиалининг 13.08.2011 йилдаги 38-сонли буйруқларига асосан, «Ўзбекинвест» ЭИМСК Тошкент шаҳар филиалига тегишли Тошкент шаҳар Лисунова-4 мавзеси, 68-уй манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1) «Тико» русумли, д/р 01/057 ZAA бўлган 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 089 000 сўм. 2) «Тико» русумли, д/р 01/058 ZAA бўлган 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 159 000 сўм. 3) «Дамас» русумли, д/р 01/175 FAA бўлган 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 638 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 28 ноябр куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 28 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2011 йил 5 ва 12 декабр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.

(Давоми. Боши 1-бетда)

# «Қуёшдай порлайди жонажон Ватан...»

Газетхон газетадаги мақолалардан баҳраманд бўлгани каби, газета ҳам ўз саҳифаларининг қизиқарли ва ранг-баранг бўлишида газетхондан куч олади. Аслида нашрнинг ўқишлилик даражаси бевосита таҳририят ҳамда муштарийларнинг ҳамкорлиги қай даражадалигига боғлиқ.

Ўқув доирасида Ўзбекистон тарихи Давлат музейида ташкил этилган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ходимлари ҳамда ўқув иштирокчилари ўртасидаги учрашувда ҳам айнан ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

— Тадбир баҳона сизлар билан дийдорлашиш, фикрлашиб олиш имкониятига эга бўлганимиз айни муддао бўлди, — деди таҳририят масъул котиби Жаҳонгир Шарофбоев. — Таҳририятимиз фаолиятига келадиган бўлсак, қўлларингизда газетамиз чиқа бошлаганига 20 йил тўлиши муносабати билан чоп этилган китоб орқали атрофлича танишишингиз мумкин. Китобда таҳририят фаолияти, унда ишлаган ва ишлаётган ходимларнинг ижод намуналари акс этган. Бундан ташқари, таҳририят веб-сайти орқали ҳам газета саҳифаларида чоп этилаётган мақола ва янгиликлар билан яқиндан танишиб бориш имкони мавжуд.

Учрашув дўстона руҳда ўтди. Газета саҳифаларини бойитишга кўмак берадиган яхши-яхши таклифлар билдирилди.



***Жаҳонгир Шехов, Ҳазорасп туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси:***

— Йилдан-йилга газета мазмунан бойиб бормоқда. Мавзулар ҳам ранг-баранг. Савол-жавоб ва ҳуқуқий мавзулардаги мақолалар фаолиятимизда жуда асқотмоқда. Таклифим: касаба уюшма фаолияти билан бевосита боғлиқ масалаларга янада кўпроқ урғу берилса...



***Галина Маматқулова, Норин туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси:***

— Кейинги пайтларда ислоҳотларнинг вилоятимиздаги самаралари ва касаба уюшма ташкилотлари фаолияти кенг ёритилмоқда. Менимча, бошланғич ташкилотлар фаолияти ҳақидаги мақолалар барчада қизиқиш уйғотиши инобатга олинса ёмон бўлмасди. Айниқса, турли танловларда иштирок этиб, муваффақиятга эришаётган ташкилотларимиз ишини тарғиб этиш лозим.

***Эшпарда Ниёзов, Ғузор туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси:***

— Турли соҳалардаги янгиликларни кенг оммага етказишда оммавий ахборот воситаларининг хизмати катта. Бу борада биз касаба уюшма етакчилари ҳам фаоллик кўрсатишимиз керак деб ўйлайман. Зеро, нашр бевосита етакчилар орқали одамлар орасига кириб боради. Шу билан бирга халқаро касаба уюшмалари фаолиятини газета саҳифаларида кенгроқ ёритиш керак. Негаки, ҳозирги глобаллашув замонида дунёдаги ҳамкасбларимиз фаолияти билан танишиб борсак, фойдадан ҳоли бўлмайди, албатта.





***Найим Маҳамматов, Фориш туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси:***

— Газета саҳифаларида чоп этилаётган ранг-баранг мақолалар таҳририятнинг касаба уюшма ҳаётига тобора яқинлашаётганини кўрсатади. Бу касаба уюшма фаолларининг газетага нисбатан қизиқишини ошириши билан бирга, обунага ҳам ижобий таъсир этади. Аммо, шу билан бирга кейинги пайтларда танқидий мақолалар нисбатан камайиб кетганлигини айтиш лозим. Менимча, шикоят хатларини жойида ўрганишга эътиборни кучайтириш керак.



***Муҳайё Ғаффарова, Наманган шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси:***

— Фурсатдан фойдаланиб, лирик чекиниш қилмоқчиман. Барчамиз ўзимиз туғилиб ўсган юртни жонимиздан ортиқ кўрамиз, эъзозлаймиз. Мен ҳам ўзим туғилиб ўсган Наманганни, бутун Ўзбекистонни севаман. Шундай заминда яшаётганимдан фахрланаман:

*Юртлар кўп дунёнинг харитасида,*
*Барчаси фусункор, барчаси ўктам.*
*Ўшал хаританинг бир нуқтасида*
*Қуёшдай порлайди жонажон Ватан.*
*Номи Ўзбекистон — мустақил Ватан!*

Учрашувда Сирдарё, Самарқанд, Сухондарё ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган касаба уюшма вакиллари ҳам газета ҳақида ўзларининг илиқ фикрларини билдирган ҳолда, обуна ва унинг имтиёзли жиҳатлари, газета сонларининг вақтида етказилиши масалалари, нашр мазмун-мундарижасини бойитиш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

* * *

Ўқув иштирокчилари шу куни Ўзбекистон тарихи Давлат музейи билан ҳам яқиндан танишишди. Юртимиз сарҳадларида то ибтидоий даврдан бугунги кунга қадар юз берган воқеалардан дарак бергувчи экспонатларни кўздан кечиришди.

Шунингдек, ўқув давомида касаба уюшма мутахассислари томонидан қатор амалий машғулотлар ташкил этилди. Жумладан, тингловчилар Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман бирлашган касаба уюшма қўмитасида бўлиб, касаба уюшмаларида ишни режалаштириш, ҳужжатлар билан ишлаш, ҳужжатлар мониторингини олиб бориш ҳамда қўмиталардаги «доимий комиссиялар» иши юзасидан фикр алмашишди.

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

# Финал ҳавоси

***Хабарингиз бор, бугун Осиё футбол конфедерацияси кубоги учун Қарши шаҳридаги «Марказий» ўйингоҳда Қаршининг «Насаф» ва Қувайтнинг «Қувайт СК» жамоалари ўзаро куч синашади.***

Маълумот ўрнида шуни айтишимиз лозимки, рақибларимиз чартер рейс орқали Қувайт пойтахтидан Қашқадарё марказига етиб келиб, ўзлари учун ажратилган «Гиссарнефтгаз» меҳмонхонасига жойлашди. Қувайтдан Қаршига ташриф буюрган 90 кишилик делегация орасида жамоа аъзолари ва раҳбарлари билан бирга, бир гуруҳ журналистлар, жамоа фан клуби аъзолари ва бошқа расмий шахслар бор.

Куни кеча ОФК Ҳакамлар департаменти финал учрашувини бошқарадиган ҳакамлар гуруҳини эълон қилди. Унга кўра, ўйин Жанубий кореялик рефериларга ишониб топширилган. Яъни, майдонда бахсни Ким Донг Жин бошқариб борса, унга қанотларда Жеонг Хайи Санг ҳамда Ли Жунг Минлар кўмаклашади. Учрашувнинг захирадаги ҳакани Ким Жонг Хейок ҳам Корея Республикасидан ташриф буюради.

Ўйин давомида ҳакамлар фаолиятини Антони Жон Коста (Ҳиндистон) назорат қилиб боради. Абдул Ғофур Ҳамид (Малдив ороллари) эса финал учрашувининг комиссари этиб тайинланган бўлса, япониялик Хироши Кагаяма хавфсизлик масалалари бўйича масъул этиб белгиланган.

«Насаф» клуби расмий сайтининг хабарига кўра, ОФК кубоги ғолиби учун бериладиган бош соврин — кубок Қарши шаҳрида. Уни ОФК финал беллашувини ўтказиш бош кординатори жаноб Субраманиан Маникам Малайзия пойтахтидан юртимизга келтирди.

Эслатиб ўтамиз, ОФК кубоги ғолиби мусобақа регламентига мувофиқ кубок, олтин медаллар шодаси ҳамда 350 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофот пулига сазовор бўлади. Кубок соҳиби бўлган жамоа ярим йил мобайнида ушбу кубокни ўз музейида сақлаш ҳуқуқига эга.

Хуллас, финал учун ҳамма нарса муҳайё, барча футбол кайфиятида. Буюк футболчи Диего Армандо Марадона айтганидек: «Мана, ниҳоят, ҳавони финал футболининг иси тутаяпти!»

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

«Биз — бунёдкор халқмиз» фототанловига



**Акмал ЖАЛИЛОВ олган суратлар**

Журналист таклиф қилади

***«Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонасининг атроф-муҳитни ифлослантираётгани ҳақида матбуотда жуда кўп мақолалар ёзилди. Аммо вазият ўзгаргани йўқ. Натижада, юртимизнинг жанубий ҳудудлари ҳисобланган Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларидаги экологик ҳолат салбий томонга ўзгариб бормоқда. Ушбу ҳудудлар аҳолиси сутканинг 18-19 соати давомида, экологик нуқтаи назардан ифлос, ишлаб чиқариш мўриларидан ташланаётган, таркибида инсон саломатлиги учун хавфли бўлган фторли водород ва бошқа қўшилмалар мавжуд ҳаводан нафас олишга мажбур бўлмоқда.***

# Болалар саломатлиги йўлида

Маълумотларга қараганда, «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси йилига атмосферага 22 минг тоннага яқин заҳарли моддалар, шу жумладан, инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун ўта хавфли ва зарарли ҳисобланган 120 тонна фторли водород чиқаради. Ҳолбуки, бир тонна фторли водороднинг инсон ва атроф-муҳитга таъсири минг тонна ис газидан ҳам хавфлироқ. Бу ташланмаларнинг катта қисми мамлакатимизнинг юқорида санаб ўтилган туманларида истиқомат қилаётган 1 млн. 100 минг нафардан зиёд аҳолининг саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Улар эндокрин ва суяк-бўғин, туғма ногиронлик, флюороз ва онкологик касалликлардан кўпроқ азият чекмоқда. Аҳоли саломатлиги, айниқса, ёш авлод соғлигига салбий таъсир кўрсатаётган бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Узун туманидан бир гуруҳ мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

***Абдукарим Кенжаев, Узун туман марказий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори:***

— Маълумки, алюминий олиш жараёнида фторли водороддан ташқари, катта миқдордаги углерод ва олтингугурт оксидлари каби заҳарли газлар ажралиб чиқади. Бу эса ўз навбатида инсонда йирингли бронхит, ўпка шамоллаши, бош айланиши, мигрен, қон босимининг ошиши каби касалликларни келтириб чиқаради. Айниқса, Тожикистон алюминий заводи фаолияти билан боғлиқ ҳаво ифлосланиши ўсмир ёшлар соғлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Туманимиздаги 18 ёшгача бўлган ўсмир ёшларнинг 20 минг нафарга яқини эндокрин касаллигига чалинганлиги ташвишли ҳолдир. Бундай ҳолатнинг келгусида олдини олиш учун туманимизда эндокрин касалликларига чалинган болаларни даволаш учун тезроқ санаторий типидаги мактаб-интернат ташкил этилса, айни муддао бўлур эди.

***Ибодулла Хўжаев, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири:***

— Туманимизда 65 та умумий ўрта таълим мактаби, 1 та ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби, 1 та ихтисослаштирилган умумтаълим мажмуасидан 25 та умумтаълим мактаби танлаб олиниб, уларда ўқийдиган 1-4-синф ўқувчилари тиббий кўрикдан ўтказилганда, 2383 нафар ўқувчи I-, II-даражали бўқоқ касаллигига чалинганлиги аниқланди. Бу 5 нафар ўқувчидан 3 нафари бўқоқ касалига чалинганлигини англатади. Айнан шунга кўра Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Йод етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги қонунларининг ижроси таъминланиб, қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, эндокрин касаллигига чалинган болалар учун санаторий типидаги мактаб-интернати ташкил этиш тўғрисида Узун туман ҳокимининг 2009 йил 27 июндаги «Туманда санаторий типидаги мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида»ги 288-сонли ва 2011 йил 25 январдаги 2-сонли қарорлари қабул қилинди. Уларга асосан, бу мактаб-интернатни тумандаги 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби захирасида ташкил этиш тавсия этилган. Бу хайрли иш амалга ошса, юзлаб болаларнинг саломатлиги муҳофазаланган бўларди.

**Турсунали Хидиров, Узун туманидаги 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори:**

— Ихтисослаштирилган умумтаълим мактабимиз туман марказидаги «Туркистон» кўчасида жойлашган. Мактаб биноси махсус лойиҳа асосида 1988 йилда қурилган. Лойиҳа бўйича қуввати 320 ўқувчи ўрнига мўлжалланган. 200 ўринли ошхона, 8 та ётоқхона, 6 та синфхонаси, тиббиёт хонаси, маънавият, кутубхона, умуман олганда, барча шароитларга эга. Мавжуд биноларимиз архитектура қоидалари ва шаҳарсозлик нормаларига мувофиқ қурилган. Унда ўқувчиларнинг ўқиши, овқатланиши ва ётоқхона билан таъминланиши учун барча шароит мавжуд.

Аҳоли саломатлиги ва экологияни асраш йўлида Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари 2011 йилнинг 6 сентябр куни Сурхондарё вилояти аҳолисининг қўшни «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси фаолияти натижасида аҳоли саломатлигига ва атроф-муҳитга етказилган салбий таъсирга қарши жамоатчилик норозилиги акс этган БМТ Бош Ассамблеясига мурожаатини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига топширдилар.

Сурхон аҳли ишонадики, киндик қони тўкилган ўз она ерида хавфли саноат ишлаб чиқаришининг зарарли чиқиндилари туфайли соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлаётган минглаб одамлар тақдири халқаро ҳамжамиятни бефарқ қолдирмайди.

Жамоатчилик вакилларининг ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва соғлом бўлиб ўсишлари, қолаверса, эндокрин касалликлари билан хасталанган болалар учун махсус санаторий типидаги умумтаълим мактаб-интернати ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари вилоят ҳокимлиги ва мутасадди раҳбарлар томонидан қўллаб-қувватланса, айни муддао бўларди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши жамоалари кенгаш раиси Баҳром Қурбоновга волидаи муҳтарамаси

**ЗИЁДАХОН ая**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгашининг ҳайдовчиси Жалол Сулаймоновга волидаи муҳтарамаси

**ХОЖАР ая**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоалари Марказий кенгашнинг бош ҳуқуқшуноси Қобилжон Қирғизалиевга акаси

**Нуриддин ҲАМДАМОВ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси «Ўзбекбурғунефтгаз» Акциядорлик Компанияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Комил Ҳайитовга синглиси

**Раиса ҲАЙИТОВА**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To`lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev

Navbatchi:
S. Abdurahmonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -00.30

Буюртма Г — 1011

13284 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5